

**ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент
Фозилов Умид Эркинович**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БОРАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Таянч тушунчалар: инсон, ҳуқуқ, қонун, конституция, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳамкорлик.

Инсон ва унинг қадриятлари ҳуқуқ ва қонунлар томонидан ҳимоя қилинади. Инсон ҳуқуқлари олий қадрият. У давлатнинг ҳуқуқий жиҳати, қонунчилиги, ҳуқуқ-тартиботи қандайлигини ифодалайди, демократиявийлик даражасини белгилайди. Инсон жамият ҳаётидаги иштироки, ижтимоий муносабатлар яратувчиси ва иштирокчиси эканлиги учун ҳам унинг ҳаёти олий мақомга эгадир. Шунинг учун ҳам ҳар томонлама муҳофаза қилинади. Бош қомусимизда инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро тажриба тамойиллари мустаҳкамланган. Бу тамойиллар инсон ҳуқуқлари борасидаги ишларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Асосий қомусимиз Конституциямизнинг бир қатор моддаларида ушбу тамойиллар мустаҳкамланган.

Республикамиздаги ҳар бир қонун ва меъёрий ҳужжатлар инсон манфаатлари учун хизмат қилади. Асосий қомусимиз Конституциямизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан энг олий даражада мустаҳкамланган ҳамда кафолатланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳаракат қилди. Давлатимиз бу борада Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлмиш 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини тан олганлигини 1991 йил 30 сентябрда эълон қилди. Мазкур Декларация Ўзбекистон

Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Мазкур Декларация ер юзида яшовчи ҳар бир инсон эга бўлиши лозим бўлган асосий ҳуқуқ ва эркинликларни, хусусан, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштирган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, Аёлларни камситишга барҳам бериш тўғрисида конвенция ва бошқа бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар парламентимиз томонидан ратификация қилинди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ифодалашда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоида ва принципларига асосланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қайд этилгани сингари инсон ҳуқуқларининг энг муҳим принциплари, инсон, жамият ва давлат муносабатларидаги ўзаро ҳуқуқ, мажбуриятлар, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг замонавий таснифи келтирилган. Жумладан, Конституциянинг VI-XI-бобларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари фуқаровий, шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ, мажбурият, эркинликлар доирасида таснифланиб, уларнинг кафолатлари ҳам акс этган. Асосий қомусимиз Конституцияда инсон манфаатларини юқори қўйиш, инсон олий қадрият тимсолида улуғлаш ғояси марказий ва бош ўринни эгаллаган.

Барча инсонлар тенг қилиб яратилган, улар дахлсиз ҳуқуқлар ва яшаш, озодлик ва бахтга интилиш билан таъминланган. Уларнинг бундай интилишлари ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда жаҳондаги энг обрўли ва нуфузли БМТ, ЕХХТ сингари халқаро

ташкiлотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Уларнинг аҳамияти тенглик учун кураш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва тенг ҳуқуқий ҳамкорликни рағбатлантириш, маҳаллий ва минтақавий низо, жанжалларга йўл қўймаслик ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсоннинг шаъни, кадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик каби инсонпарварлик тамойиллари билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳамкорлик моҳияти, хусусиятлари, истиқболи халқаро инсон ҳуқуқлари борасидаги масалаларнинг ҳуқуқий моҳияти ва ўзига хос хусусиятларни очишга йўналтирилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик, инсон ҳуқуқларига доир халқаро конвенциялар ва халқаро шартномалар, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига доир қонунлар тизими, БМТ даражасида халқаро меҳнат ташкилоти ва ЮНЕСКОнинг давлатлараро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.

Инсон ҳуқуқлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Халқаро Пактлар, Халқаро Конвенциялар ва бошқа таянади. Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг асосий йўналишлари ва ҳозирги давр мажбурияти сифатида асосланишидир. Дунёда инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти халқаро ҳамжамиятнинг зарурий унсури ҳар бир давлат ва ҳар бир инсоннинг муҳим ҳаётий манфаатлари унинг қарор топиши билан узвий боғлиқлиги ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳамкорлик суверен давлат қуришнинг муҳим манбаи сифатида белгиланган. Ўзбекистон ўзини жаҳон ҳамжамияти олдида инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро ҳамкорлиги умум эътироф этилгандир.

Инсон ҳуқуқлари ўрганиш бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари меъёрлари давлатнинг ички қонунлари билан ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан ҳам

тартибга солинади. Халқаро ҳуқуқ ривожланиши турли давлатларнинг хоҳиш истакларининг мувофиқлаштириш йўли билан амалга оширилади. Жаҳондаги бирорта ҳам давлат, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва обрўйдан қатъий назар ўз мустақил равишда халқаро ҳуқуқ меъёрларини ярата олмайди.

Ҳуқуқ давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий йўлини акс эттиради. Миллий ҳуқуқ давлатнинг ташқи сиёсати майдонидаги ўрни мавқеи белгилайди ва халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини яратиш жараёнида, фикрлар ва қарашлар кўпчилик томонидан эътироф этилган қарор ёки битим вужудга келади. Халқаро ҳуқуқнинг мазкур меъёрлари давлатларнинг умумий нуқтаи назарини иродасини ифодалайди.

Халқаро ҳуқуқ билан давлат ички ҳуқуқи ўзаро муносабатларининг узвий ривожлантиради. Миллий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқни турли соҳаларига билан ишларни ташкил қилади. Инсон ҳуқуқларига мавжуд халқаро ҳуқуқ меъёрларининг шаклланишида миллий ҳуқуқнинг ўрни беқиёсдир. Жамиятда инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи халқаро ҳуқуқнинг барча меъёрлари миллий ҳуқуқ орқали шакллантирилган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги меъёрларнинг ривожланишида давом этмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш сари дадил одимлаётган халқимиз, бу улуғвор вазифаларни адо этиш учун, аввало, ҳуқуқий билимларини ҳам эгаллаш лозимлигини тушуниб етмоқдалар. Ҳақ-ҳуқуқини яхши билан инсон жамиятда қоқилмайди, адолат, ҳақиқатни талаб қила олади.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси¹нинг қабул қилиниши халқимиз тарихида туб бурилиш ясади, янги демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш асосини яратди. Бунда бажарилиши лозим бўлган вазифалардан бири мамлакатда яшовчи ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла қафолатлашдир.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2022. // <https://lex.uz/ru/docs/20596>.

Ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир.

Шундай қилиб, Конституциямиз жамиятимизда халқ манфаатлари йўлида ислохотларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга қаратилган ҳуқуқий асосларини яратиб бериш билан бирга инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришни ҳамда барча фуқароларга ишончли истиқболни кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 2022. [//https://lex.uz/ru/docs/20596](https://lex.uz/ru/docs/20596).
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.